

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 29 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья, Х.Очилов, судья ёрдамчиси Ф.Умарованинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Шайхонтоҳур туман прокурорининг ёрдамчиси С.Очилов, судланувчи М.Тўлқунов, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси “Shayxontohur-advokatlari” адвокатлик ҳайъатининг адвокати У.Якубова иштирокида,

Тўлқунов Миржалил Бахтёр ўғли (To'lqunov Mirjalil Bahtyor o'g'li) – 21.10.1999 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Фирдавсий” м.ф.й., “Кўрғон-5-тор” кўчаси, 10-уйда доимий рўйхатда туриб яшовчи, жиноят иши доирасида “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олганга нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244³-моддаси билан айблаш ҳақидаги 1-1003-2303/802-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи М.Тўлқунов 2023 йил 20 март кунидан 2 сентябрь кунига қадар интернетнинг “instagram” ижтимоий тармоғида 542.744 нафар обуначига эга бўлган ўзининг “tulkunovmir” (www.instagram.com/tulkunovmir/) номли саҳифаси (профили)ни юритиб келиб, мазкур саҳифа орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланган диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тарқатиб келганлиги аниқланган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган М.Тўлқунов айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у диний илмга эга эмаслиги, фақатгина ибратли видео роликлар ва диний мазмундаги материалларни интернетнинг “instagram” ижтимоий тармоғидаги ўзининг “tulkunovmir” номли профилида жойлаштириб келганлиги, 22.02.2023 йилда Шайхонтоҳур тумани ИИО ходимлари томонидан аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар юзасидан қонуний қарор қабул қилишлик учун жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судига юборилганлиги, 09.03.2023 йилдаги туман судининг қарорига асосан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 184²-моддасида



назарда тугилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари миқдорида жарима жазоси тайинланганлиги, ИИО ходимлари томонидан мазкур ҳаракатларни давом эттирмаслиги тўғрисида огоҳлантирилганлиги, лекин у мазкур ҳолатни нотўғри тушунганлиги сабабли, ўзига тегишли юқоридаги “instagram” ижтимоий тармоғидаги “tulkunovmir” номли профилида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритадиган диний уламоларнинг чиқишларни жойлаштира бошлаганлиги, хусусан 2023 йилнинг 20 март куни “tulkunovmir” номли профилида “Ramazon” деб сарлавҳаланган 59 сонияли видеони, 2023 йилнинг 30 март куни “Madina fazilatları” деб сарлавҳаланган бир дақиқали видеони, 2023 йилнинг 03 апрель куни “Ro’zador” деб сарлавҳаланган 59 сонияли видеони, 2023 йилнинг 11 апрель куни “Yolg’onchi insonlar” деб сарлавҳаланган 59 сонияли видеони, 2023 йилнинг 28 апрель куни “Gumondan chetlaning” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 19 сонияли видеони, 2023 йилнинг 08 май куни “Do’st” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 54 сонияли видеони, 2023 йилнинг 16 май куни “Kibr” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 29 сонияли видеони, 2023 йилнинг 23 июнь куни “Ака-Ука” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 09 сонияли видеони, 2023 йилнинг 07 июль куни “Опа” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 02 сонияли видеони, 2023 йилнинг 31 июль куни “Do’st” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 25 сонияли видеони, 2023 йилнинг 23 август куни “Опа” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 16 сонияли видеони, 2023 йилнинг 02 сентябрь куни “Firibgarlar” деб сарлавҳаланган 01 дақиқа 20 сонияли видеоларни обуначиларига намойиш этиш мақсадида жойлаштириш орқали тарқатганлигини, ҳозирда содир қилган қилмишидан пушаймонлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрориданмаслигини, ёш оиласи борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, ҳозирда мазкур ҳаракатларни тегишли рухсат асосида амалга ошириш лозимлигини тушуниб етганлигини билдириб, суддан унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи ва тарафларнинг розилиги билан гувоҳлар Ш.Дадабоев ва Ж.Рўзиевларнинг дастлабки тергов вақтида берган кўрсатувлари мазмунан тўлиқ ўқиб эшиттирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тугилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.



Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас” деб кўрсатилган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб, судланувчи М.Тўлқуновнинг айби унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш тўғрисидаги баённомалар ва унга илова қилинган фотожадвал, судга оид адабиётшунослик экспертизалари хулосалари, ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақидаги қарор ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 12.09.2023 йилдаги экспертиза хулосасига кўра, интернетнинг “instagram” ижтимоий тармоғида М.Тўлқуновга тегишли бўлган “tulkunovmir” номли саҳифасида (профилида)ги маълумотлар “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 апрель кундаги 180-сонли қарори иловасидаги “Диний мазмундаги материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш ҳамда диншунослик экспертизасидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига зид равишда тайёрланганлиги аниқланган.

Суд, судланувчи М.Тўлқуновнинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244³-моддаси “Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса” билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи М.Тўлқунов жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур туман судининг 09.03.2023 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184²-моддаси, “Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш” билан айбли деб топилиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинланганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб белгиланган.

Суд, мазкур конституциявий норма қоидаларига амал қилиб,



судланувчи М.Тўлқиновга нисбатан жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини атрофлича ўрганиб ҳамда унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, пушаймонда эканлиги, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасида назарда тутилган жазони енгиллаштирувчи ҳолатлари сифатида инобатга олиб, унинг ҳаракатларида ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади деб ҳисоблаб, унинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244³-моддаси санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилган, бир дона "DVD" дискни жиноят иши ҳужжатларида сақлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари, ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳукм қилади:

Тўлқунов Миржалил Бахтёр ўғли (То'lqunov Mirjalil Bahtyor o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244³-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

М.Тўлқуновга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 244³-моддаси билан ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда БИР йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатирилсин.

Жазо муддати М.Тўлқунов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукм ижроси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.

М.Тўлқуновга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг, бекор қилинсин.

Ашёвий далил эътироф этилган бир дона "DVD" диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукм устидан апелляция шикоятини ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида мазкур суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Х.Очилов

